

Сийрат дарслари (139-дарс). Назр тушунчаси



15:30 / 04.06.2021 2879

523. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Назр одам боласига унга тақдир қилинмаган нарсани олиб келмайди, балки назр уни ўзига белгиланган қадарга ташлайди. У орқали Аллоҳ бахилдан чиқариб олади, холос. Бахил ўша туфайли олдин бермайдиган нарсасини беради».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: **«Назр қилманглар, чунки назр қадардан ҳеч нарсани беҳожат қилмайди. Фақат у билан бахилдан чиқарилади, холос»**, дейилган.

Муслим ривоят қилган.

524. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Аллоҳга тоат қилишни назр қилган бўлса, У зотга тоат қилсин. Ким У зотга осий бўлишни назр қилган бўлса, Унга осийлик қилмасин»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

525. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қасамлари **«Лаа ва Муқаллибал қулуби»** эди».

Бухорий ривоят қилган.

«Лаа ва Муқаллибал қулуби» – «Йўқ, қалбларни айлантириб турувчи Зот ила қасам» дегани.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан